Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 8 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (13.300)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ё. Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

ТОШКЕНТГА ИККИНЧИ "ORZU LAYNERI" КЕЛДИ

2016 йил 5 ноябрь куни "Тошкент" халқаро аэропортига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан харид қилинган иккинчи "Boeing-787-8 Dreamliner" самолёти келиб қўнди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон фуқаро авиациясини жадал ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилгани миллий авиакомпаниямиз паркини мунтазам янгилаб бориш, унинг инфратузилмасини модернизация қилиш, халқаро андозалар даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун кенг имкониятлар бераётганини таъкидлади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси 1996 йилдан буён АҚШнинг дунёга машҳур "Boeing" корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда ва ундан йигирмага яқин "Boeing" самолётини харид қилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси илк "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётини сотиб олган эди. Унинг номи инглизчадан таржима қилинганда "Орзу лайнери" деган маънони англатади.

Ушбу ҳаво кемасининг аксарият қисми ноёб композицион материаллардан ишланган. Бу унинг вазнини енгиллаштириш, парвоз хусусиятларини яхшилаш имконини берган. Самолёт ишончлилик, хавфсизлик ва тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам кўплаб афзалликларга эга. Шу боис у узоқ ва жуда узоқ масофаларга тўхтовсиз уча олади. Мутахассислар таъкидлашича, ушбу замонавий ҳаво лайнери 16 соат узлуксиз парвоз қилиши мумкин. "Dreamliner" Ўзбекистондан АҚШ, Канада, Австралия ва Африка мамлакатларига тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин.

Янги самолётлардан фойдаланиш учун ерусти инфратузилмаси, муҳандис-техникавий ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясида юқори малакали 18 учувчи ва 2 учувчи-инструктордан иборат янги гуруҳ шакллантирилди.

Учувчиларимиз миллий авиакомпаниямиз паркида мавжуд бўлган самолётлардан техник ва технологик жиҳатдан тубдан фарқланувчи янги "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётини қисқа муддат ичида муваффақиятли ўзлаштирди.

Мамлакатимизга олиб келтирилган биринчи "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётининг тижорат эксплуатацияси 5 сентябрда бошланди. Халқаро йўналишдаги илк парвози 9 сентябрда Олмаота шаҳрига амалга оширилди. Бугунги кунда ушбу самолёт Олмаота, Дубай, Деҳли, Истанбул, Тель-Авив, Москва ва бошқа йўналишларда парвоз қилмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси парки яна бир янги "Boeing-787-8 Dreamliner" самолёти билан бойиди. Сиэтлдан Тошкентгача 12 соатга яқин давом этган узлуксиз парвоз муваффақиятли бажарилди. "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётини "Boeing" корпорацияси заводида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари Геннадий Харлап ва "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонаси директори ўринбосарлари Андрей Маргачёв ва Валерий Косов қабул қилиб олди.

Ушбу янги "Boeing-787-8 Dreamliner" самолётини Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи – учувчи-йўриқчи Андрей Тян, иккинчи учувчи Юрий Горьков ҳамда авиакомпания бош штурмани Станислав Гурфинкель бошқариб келди.

– Мазкур янги авиалайнер тежамкорлиги, бошқаришнинг янада қулайлиги ва салонда йўловчиларга энг замонавий шароит яратилгани билан ажралиб туради, – дейди Андрей Тян. – Йўловчилар узоқ мамлакатларга парвоз пайтида тўхтамай ўз манзилига етиб олишни истайди. Мазкур самолёт уларнинг бу истагини бажара олади. Шундай замонавий самолётни бошқариш насиб этганидан хурсандман.

Жорий йилнинг сентябрида "Boeing" корпорацияси президенти Р.Коннернинг мамлакатимизга ташрифи давомида яна учта янги самолёт харид қилиш бўйича музокаралар олиб борилди. Миллий авиакомпаниямизнинг дастлабки иккита "Boeing-787 Dreamliner"и 787-8 модификациясига мансуб. Янгиларининг ўринбосари сони кўпайтирилган ва умумий ўлчами узайтирилган 787-9 модификациясидан сотиб олиш кўзланган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров иштирок этди.

З.ЖОНИБЕКОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ БОСҚИЧЛАРИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишувга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, парламентаризм соҳасидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида фаолият олиб боради. Парламент ҳамкорлиги қўмитаси фаолияти орқали парламент депутатлари шерик мамлакатларда ўтказилаётган энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тадбирлар ҳақида хабардор қилинмоқда, турли халқаро ва бошқа тадбирларни ўтказишга ёрдам кўрсатилмоқда.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, инвестиция, молия ва ҳуқуқ соҳаларидаги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни янада фаоллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, тарафлар минтақавий ва халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидларга қарши курашиш, минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш юзасидан амалий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу ҳамкорлик томонларнинг жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги мулоқотини чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигига асосланган.

Қўмита мажлисида сўзга чиққанлар Ўзбекистон Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгиланган демократик ислоҳотлар йўлига, ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқ қолаётганлиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Давлат бошқаруви тизими етуклиги ва барқарорлигининг юқори даражаси, демократик жараёнлар ва институтларнинг ривожланганлиги халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузининг янада ошишига асос бўлмоқда.

Мажлисда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида батафсил ахборот тақдим этилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини бундан буён ҳам таъминлаш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза қилишни кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2016

ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 7 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Қирғизбоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ҳ.Бобохонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод Тошкентнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, бугун мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17 фоизга яқини, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 18 фоиздан ортиғи, инвестицияларнинг 18 фоизи, савдо айланмасининг 21 фоизи, хизматларнинг 30 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 37 фоизи, экспортнинг 28 фоиздан зиёди пойтахт ҳиссасига тўғри келишини таъкидлади.

Сайловолди дастурида пойтахт аҳли учун муҳим бўлган масала – аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш орқали коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, аҳолининг барча қатламлари, аввало, кам таъминланганларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг ролини мустаҳкамлаш, энг кам истеъмол харажатлари стандартларини белгилашга асосланган замонавий механизмларни ишлаб чиқиш каби масалалар ўрин олган.

Дастурда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш тизимини соддалаштириш, турли имтиёзлар бериш орқали иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Банкларнинг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик, очиқ ва ошкора электрон савдолар йўналишини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш зарурлиги таклиф этилган.

Учрашувда пойтахтимиздаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори М.Раҳматуллаева, Юнусобод туманидаги "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Жалолов, Олмазор туманидаги "Акмал Зиё" хусусий корхонаси раҳбари А.Иноғомов ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида фикр билдириб, сайловга тайёргарлик жараёни миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎзА

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Ўз касбининг моҳир эгалари" танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Олти йўналиш бўйича ўтказилган танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлган 34 мутахассис вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. "Энг яхши ишчи", "Энг яхши пайвандлаш устаси", "Энг яхши ошпаз", "Энг яхши сартарош ва декоратив косметика устаси" каби ўнга яқин номинация бўйича ҳам ғолиблар рағбатлантирилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида қорақалпоғистонлик мусаввирларнинг замонавий санъат асарларидан иборат янги кўргазма очилди. Соғлом она ва бола йилига бағишлаб ташкил этилган кўргазма "Олтин куз" деб номланди ва унда 30 га яқин рассом ижодига мансуб 80 дан зиёд турли жанрдаги, жумладан, мойбўёқ, графика, сопол, ҳайкалтарошлик, ҳунармандлик асарлари намойиш этилмоқда.

● "Саломатлик-3" лойиҳасига мувофиқ "Nissan" русумли янги реанимобиллар Наманган вилоятидаги Янгиқўрғон, Учқўрғон, Поп, Чуст, Косонсой, Норин, Чортоқ ва Тўрақўрғон туманлари тиббиёт бирлашмаларига топширилди. Бу мазкур туманларнинг узоқ тоғли қишлоқларида ҳам аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

● Бухородаги "Бухоро бриллиант силк" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида пиллани қайта ишлаб, мато тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди. Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган янги цехда ипак толасидан турли ўлчамдаги матолар тўқилаётир.

● Ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловда турли йўналишлар бўйича 10 нафар ғолиб танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

● Жуда ноқулай об-ҳаво шароитлари натижасида Москва аэропортларида 20 та авиарейс бекор қилинди, 60 дан ортиғининг муддатлари кечиктирилди.

● Никарагуада бўлиб ўтган президент сайловларида Даниэль Ортега давлат раҳбари вазифасига учинчи муддатга сайланди.

● Кеча Афина шаҳрида талабаларнинг норозилик намойишини тарқатиш учун Греция полицияси кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишга мажбур бўлди.

● Италияда яна бир табиий офат рўй берди – мамлакатга хуруж қилган кучли бўрон оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 10 нафар одам жароҳат олди. Мамлакат пойтахти Рим шаҳри марказида кучли шамол туфайли иншоотларга шикаст етган, баланд қаватли уйларнинг юқори қаватлари қисман вайрон бўлган.

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 16, 19 ва 23-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида қонун бузилишларининг олдини олиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, улар юзасидан қонунда белгиланган чоралар кўриш ҳамда участка сайлов комиссиялари билан доимий алоқа ўрнатишни таъминлаш мақсадида кечаю-кундуз ишлайдиган "ишонч телефони" (0 371) 232-11-80, шунингдек факс (0 371) 232-11-80 ва электрон почта toshkentokrug@umail.uz ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси Матбуот маркази

Сайлов – 2016

СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ўтказилди.



Унда Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг шаҳар ҳудудий бўлинмаси, шаҳар Адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимларидан иборат эксперт гуруҳлари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ваколатлари, вазифалари, овоз бериш жараёнини очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда. Айтиш жоизки, мутахассислар иштирокида жойларда бўлиб ўтаётган семинар-тренинглар участка сайлов комиссиялари аъзолари учун катта кўникма бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳридаги барча туманларда ҳам шундай семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Жумладан, Яшнобод туманида 65 та участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўтказилган семинар-тренингда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари", "Сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий тажриба", "Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида участка сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалари", "Сайлов куни участка сайлов комиссияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар", "Халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби" мавзуларида кенг қамровли маърузалар тингланди.

– Семинарда участка сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ҳамда сайловчилар билан иш олиб боришда асосий бўғин эканлиги алоҳида таъкидланди. Комиссия аъзоси сифатида ушбу муҳим сиёсий жараённинг бевосита иштирокчиси эканлигимдан фахрланаман, — дейди биз билан суҳбатда Яшнобод туманидаги 365-участка сайлов комиссияси котиби, 103-мактаб-интернат ўқитувчиси Саодат Тўлаганова. — Тадбирда участка сайлов комиссияларининг ваколатлари, айниқса сайловчилар рўйхатини тузиш, овоз бериш жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, сайлов бюллетенларини расмийлаштириш, муддатидан олдин овоз бериш масаласи ҳамда комиссия аъзоларига билдирилган катта ишончнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича кўникмага эга бўлдик. Аминманки, бугун семинар-тренингда олган ҳуқуқий билимларимиз зиммамизга юкланган масъулиятли вазифани аъло даражада бажаришга хизмат қилади.

Яшнобод темир йўл касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ушбу семинар-тренингда Марказий сайлов комиссиясининг эксперти Х.Одилқориев, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси экспертлари, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Ш.Исмоилов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассиси М.Тожиева, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси туман Кенгаши раиси Т.Сайфуллаев, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси А.Бўриев, Ўзбекистон миллий университети "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ш.Анваров ва бошқаларнинг чиқишлари тингланди.

Семинар-тренинг давомида участка сайлов комиссиялари аъзолари томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

* * *

Шу куни бу каби семинар-тренинглар Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Яккасарой туманларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ҳам ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар қизғин тус олмоқда. Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 3-сайлов участкасида ҳам сайловни юқори савияда ўтказиш, сайловчиларга қулай шароитлар яратиш борасида барча тайёргарликлар кўрилди.

МУҲИМ ЖАРАЁНГА ПУХТА ТАРАДДУД

– Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жараённи тенглик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди сайлов участкаси комиссияси раиси Нигора Қосимова. – Бу жараёнда тадбирларни юқори савияда ташкил этиш учун барча ташкилий-техник масалаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов участкасидаги хоналар интернет тармоғига уланган компьютер, зарур техник ва кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Овоз бериш, тиббиёт, оналар ва болалар хоналари шай ҳолга келтирилган.

3-сайлов участкаси "Бекобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, 2 минг 922 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Тумандаги "Шафтолизор" ҳамда "Қорёғди" маҳаллалари фуқаролари ҳам мазкур сайлов участкасига бириктирилган.

Зарур ҳолларда фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин, ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, овоз беришлари учун махсус кўчма қутилар ташкил қилинган. Муайян сабабларга кўра, сайлов куни сайлов участкасига келолмайдиган фуқароларнинг рўйхати тузилиб, уларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратиб берилади. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда сайловчилар, хусусан, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни миллий сайлов қонунчилиги мазмун-моҳияти билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк бор иштирок этаман, – дейди ЎзА мухбирига Ҳожиакбар Азларов. – Мазкур сайловда ўз конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, овоз бераман. Бу каби муҳим тадбирлар биз, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятимизни юксалтиради. Ўтказилаётган семинарларда сайлов қонунчилиги ҳамда ўтказилиш тартиби бўйича маълумотларга эга бўляпмиз.

Нурилло НАСРИЕВ

Тошкент давлат юридик университетида "Сайловлар – фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг муҳим демократик институти" мавзусида талаба-ёшлар учун давра суҳбати бўлиб ўтди.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва ҳуқуқий асослари мазмун-моҳиятини талаба-ёшларга етказиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари ва университетнинг педагог-ходимлари ва талабалари иштирок этди.

Давра суҳбати мамлакат миллий сайлов амалиёти тарихида биринчи бор Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури доирасида ўтказилганини таъкидлаш жоиз. Мазкур Дастур асосида аҳолининг кенг қатлами вакиллари, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлар ўртасида ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилишини назарда тутади.

Ҳар бир сайлов мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқелик ҳисобланади. Зеро, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари яққол намоён бўлади. Дунё тажрибасидан маълумки, сайловлар қандай ўтиши мамлакатдаги ҳуқуқий меъёрлар, сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли – сайловлар билан амалга оширадилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари, Тошкент давлат юридик университетининг ректори Е.Каньязов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга тайёргарлик қизғин олиб борилаётгани, университет талабалари ушбу жараёнда фаол иштирок этишлари ва уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта иштирок этаётганлиги сабабли қонунчиликни яхши ўрганишлари лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Давра суҳбати давомида талаба-ёшларга сайловга тайёргарлик жараёнлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Хусусан, мамлакат миллий сайлов амалиёти тарихида биринчи бор Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур Дастур асосида аҳолининг кенг қатлами вакиллари, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлар, нуронийлар, имконияти чекланган фуқаролар, қамоқда сақлаш жойларида вақтинча сақланаётган шахслар ўртасида ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Университетнинг "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" кафедрасининг мудири, юридик фанлар номзоди В.Эргашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигини ривожланиш босқичлари, такомиллашуви, сайлов институтини халқаро сайлов стандартларига янада мувофиқлашиб бораётганлигига алоҳида тўхталиб, ҳар бир жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини демократик тарзда ташкил этишда ва фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларини самарали амалга оширишида сайловлар катта ўрин эгаллашини таъкидлади.

Ўтказилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Бошқарувнинг ҳуқуқий асослари кафедраси мудири Ш.Зулфиқоровнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари", Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси котиби И.Бековнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг ваколатлари" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Маърузалар ва мунозаралар сўнгида анжуманнинг бошқа иштирокчилари ҳам сўзга чиқишди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва ҳуқуқий асослари ҳақида ўзаро фойдали ҳуқуқий маълумотлар билан алмашиш ҳамда талаба-ёшларни сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган сиёсий ҳуқуқларидан самарали фойдаланишлари ва ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолликларини намоён этишларига амалий ёрдам беради.

Интерфаол усулда олиб борилган давра суҳбатида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ БОСҚИЧЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик жараёнларни амалга ошириш ва жамиятни ривожлантириш борасидаги роли ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунга парламент фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўмаклашмоқда. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият юқори органининг қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги ролини оширишга, электоратнинг халқ сайлаган вакилларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи жорий йилда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови доирасидаги тадбирларни муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистонда очиқ ва адолатли демократик сайловни ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилганлиги, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг боришини мониторинг қилишга халқаро кузатувчилар кенг жалб қилингани таъкидланди.

Европа парламенти аъзолари Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларига юқори баҳо берди. Европарламент депутатлари ўз чиқишларида Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан, жумладан, терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш масалаларида Ўзбекистон позициясини қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Умуман, "Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитасининг мажлиси амалий ва ишчанлик муҳитида ўтди. Мажлис натижаларига кўра парламент ҳамкорлигини янада фаоллаштириш, 2014-2020 йилларда индикатив кўмаклашиш дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, парламент аъзоларининг тажриба алмашинувига доир халқаро конференциялар, тренинглар, семинарлар ва бошқа тадбирларни биргаликда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ивета ГРИГУЛЕ, Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголия билан алоқалар бўйича делегацияси раиси (Латвия):

– Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Ислом Каримов ўзининг бутун куч-ғайратини ва тафаккурини Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга бағишлади.

Европапарламент ва Ўзбекистон ҳамкорлиги сўнгги йилларда янада ривож топмоқда. Европа Иттифоқи ва Европапарламентнинг Ўзбекистонга нисбатан муносабати доимо илиқ ҳамда дўстона бўлиб келган. Ўтган йиллар давомида барча соҳалар бўйича, жумладан, таълим, ижтимоий соҳа, минтақавий тараққиёт, қишлоқ хўжалигида кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Булар бизнинг яқин келажакдаги шериклигимизнинг ҳам устувор йўналишлари бўлиб қолади. Европа Иттифоқи бундан кейин ҳам мамлакатингизни қўллаб-қувватлайверади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик доирасида бизни бирлаштирадиган ижобий тажрибага эътиборни кучайтирмоқда. Чунки ҳамкорлигимиз умумий қадриятларимиз ва мақсадларимизга асосланган. Мақсадларимиз Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи халқларининг фаровон турмуш кечиришига қаратилгандир.

Херберт ДОРФМАН, делегация аъзоси (Италия):

– Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Европа Иттифоқи учун устувор йўналиш ҳисобланади. Бу 2014-2020 йилларда минтақани ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича индикатив дастуримизда ҳам ўз ифодасини топган. Унда, хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари билан молия соҳасидаги ҳамкорлик ҳажмини бир миллиард еврога ошириш назарда тутилган. Биз мажлис чоғида Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш истиқболларини ҳам муҳокама қилдик. Мамлакатингизда нафақат юқори сифатли пахта етиштирилади, балки уни қайта ишлашни амалга ошириш имконини берувчи замонавий тўқимачилик саноати ҳам мавжудлиги эътиборга молик. Шунингдек, Ўзбекистон кўҳна ва бой тарихга эга гўзал мамлакатдир. Буюк ипак йўли Ўзбекистонни Европа минтақаси билан боғлайди. Шу маънода сайёҳлик салоҳиятини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришимиз зарур.

Брандо БОНИФЕЙ, делегация аъзоси (Италия):

– Бугунги йиғилиш долзарб масалаларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш учун қулай имконият бўлди. Бизнес тузилмалар билан янги алоқалар ўрнатиш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бўлиши керак.

Марк ТАРАБЕЛЛА, делегация аъзоси (Бельгия):

– Ўзбекистон изчил иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда ва халқаро кооперация учун ўз бозорини очмоқда. Бу кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бу ерда ишбилармонларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база барпо этилган. Бундан ташқари, мамлакатингизда ҳукм сураётган барқарор вазият ҳам хориж инвестицияларини жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон парламентида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Мазкур институт қонунчилик даражасида ва халқаро амалиётга тўлиқ мувофиқ ҳолда барпо этилади.

ЎзА

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 85-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 23 августдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 300 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 3057 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашувчи Мирзо Улуғбек тумани марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Мирзо Улуғбек туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бандликка кўмаклашувчи Мирзо Улуғбек тумани марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Мирзо Улуғбек тумани маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи Мирзо Улуғбек тумани маркази (Р.Саидахмедов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўринбосари Д.Атаев зиммасига юклансин.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими
Ш. Қудбиев

2016 йил 1 ноябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида барча жабҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Буни бугун нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Масалан, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги тўлиқ таъминланаётганлиги ана шу ютуқларимиз сирасига киради.

Маълумки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон манфаатларининг таъминланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу масалага миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин берилган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, мурожаатлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур конституциявий қоидаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир. Энг асосийси, бу борада "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг (янги таҳрирдаги) қабул қилингани муҳим аҳамият касб этиб, ушбу қонун юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиради. Шунингдек, бу соҳадаги қонун бузилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, давлат органларига мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини бугунги кун талаби даражасида ташкил этиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб, унда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузиш ва сансалорликка йўл қўймасликка қаратилган вазифалар ҳам белгиланган. Шунингдек, Фармонда фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарадорлигини ошириш, илғор техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш кўрсатилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатда кўриб чиқиб, ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда бу борада муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Адлия бошқармасига жорий йилнинг 9 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 1152 та мурожаатлар тегишли тартибда кўриб чиқилиб, уларнинг 1012 таси ҳал этилиб, 336 таси қаноатлантирилди. Мазкур келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиб ўрганилганда, уларнинг аксарияти турли корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан ойлик, нафақа пулларини ўз вақтида тўлаб берилмаётганлиги ҳамда банк, коммунал хизматлар идоралари, олий таълим муассасалари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатидан норози эканлиги акс этган. Шу билан бирга, ноқонуний ишдан бўшатиш ва бошқа меҳнат қонунчилиги талабларини бузиш каби ҳолатлар ҳам мавжудлиги кузатилган.

Жумладан, Сурхондарё вилояти, Денов туманида яшовчи фуқаро М.Ходжаевнинг "Тошкент трактор заводи" ОАЖ раҳбариятининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганилганда, унда билдирилган эътироз асосли бўлиб чиқди. Ҳақиқатан, М.Ходжаевга меҳнат фаолиятида (майиб бўлиш натижасида) соғлиғига етказилган зарар, яъни 8 миллион 628 минг 899 сўм нафақа пули берилмаганлиги маълум бўлди. Бошқарма ходимлари томонидан аниқланган ушбу қонун бузилиш ҳолати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Натижада суднинг ҳал қилув қарорига асосан "Тошкент трактор заводи" ОАЖ бошқармасидан фуқаро М.Ходжаев фойдасига 8 миллион 628 минг 899 сўм ҳамда 1 066 532 сўм давлат божи ундирилди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида Адлия бошқармасида "Ишонч телефони" доимий равишда ишлаб турибди.

Бошқармага жорий йилнинг 9 ойи давомида "Ишонч телефони"га келиб тушган 241 та мурожаатдан 214 таси ҳал этилган, 80 таси қаноатлантирилган, 86 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Масалан, Қашқадарё вилояти, Косон туманида яшовчи фуқаро Р.Ҳайдаровнинг "Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат" институти томонидан талабалар сафидан четлаштирилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Ушбу мурожаатни ўрганиш асносида институт томонидан фуқаро Р.Ҳайдаровни талабалар сафидан четлаштириш ҳақида буйруқ қабул қилинганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан киритилган Тақдимномага кўра ноқонуний чиқарилган буйруқ бекор қилинди, институтнинг масъул ходимларига нисбатан "ҳайфсан" – интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, Олмазор тумани, Қ.Турсунбоев кўчасида яшовчи фуқаро З.Раҳимованинг АИТБ "Ипотека банк" Олмазор филиали томонидан 249-сонли махсус мактабнинг 42 та ходимига май, июнь ойлари учун ойлик иш ҳақи берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ҳам қонуний асосда кўриб чиқилди. Ўрганиш давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, 42 нафар ишчи-ходимнинг 42 709 296 сўм миқдорда иш ҳақи суднинг ҳал қилув қарори асосида ундириб берилди.

АИТБ "Ипотека банк" Олмазор филиали масъул ходимларининг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш ҳамда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларга қонуний баҳо бериш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилди.

Бундан ташқари, Адлия бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайлик яратиш ва уларнинг мурожаатларини жойига чиқиб бевосита ўрганиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида сайёр қабуллар жараёнида 93 та мурожаатлар ўрганилиб, уларнинг қонуний ҳал этилиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, Адлия бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонуний тартибда ўрганилиб, ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Абдураҳмон САФАЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! "ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

